



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Султонов Бахтиёр Абдумуратович<sup>1</sup>, Абдумуродов Фозил Асқар ўғли<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Жиззах Давлат Педагогика Институти Спорт турларини оқитиши методикаси кафедра мудири дотсенти

<sup>2</sup> ЖДПИ 1-курс магистранти

**ЗАМОНАВИЙ ФУТБОЛДА МАЙДОН ЎЙИНЧАРИНИ МУСОБАҚАГА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК УСУЛЛАРИ**

## Аннотация

Ушбу мақолада хозирги кунда бутун дунёда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида футболчиларнинг юқори стрессли омилларга тез берилувчанлиги ва уларни эмоционал стресс ҳолатларга дош бера олмаслиги ёки бардош бера олишининг сабаблари ва таъсирлари кенг миқёсда ўрганилганлиги ва ўрганиш жараёнларини хозирги замон натижалари тўғрисида сўз борган.

**Калит сўзлар:** формулафутбол, эмоционалстресс, адаптация, баҳолаш.

**Кириш.** Бугунги кунда мусобақаларга тайёргарлик ва мусобақалар даврида спортчилар организмдаги кечадиган физиологик-биокимёвий жараёнларга Эмоционалстресснинг турлидаражадаги таъсирмехани змларинианиқлашва спортчиларнинг фаолиятига стресснинг таъсирини камайтириш дунёолимларининг олдида ўз ечимини қутиб турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Жаҳон спортининг барча турларида спортчиларнинг турли вазиятларда эмоционал бекарорлиги туфайли яхши натижаларни кўрсата олмаслиги, эмоционал стресснинг шикастловчи таъсирлари натижасида мусобақалардан сўнг турли даражадаги руҳий зарбаларни олишлари айнан бу масалани янада чуқуррок ўрганиш зарурияти юзага келтиради вабу мавзууни долзарблигини белгилайди.

Стресс-организмда кечадиган ўзига хос кўп қиррали физиологик жараёндир. Стресс атамасини фанга биринчи бўлиб канадалик врач-патофизиолог Ганс Селье олиб



кирган. Г.Селье таълимоти бўйича стресснинг қуидаги босқичлари фарқланади.

### 1.Хавотирланиш2.Резистентлик3.Холдантойиш

Спортчиларда кузатиладиган стресс ҳолатинимусобақалардаги (ижобий ва салбий) натижаларни миқдорига қараб баҳолаш мумкин. Бу борада тадқиқот ишларини олиб борган олимларни фикрича мусобақаларни савияси қанчалик баланд бўлса, спортчиларнинг организмига стресснинг таъсири шунчалик юқори бўлади.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси:** Спортчиларнинг фаолиятига эмоционал стресснинг таъсирини бир қатор олимларнинг;

1. Г. Д. Бабушкин .*Психология физических культур*. Москва: "Спорт", 2016. Т. Учебник.
2. Б. А. Вяткин. *Роль темперамента в спортивной деятельности* Москва: "ФИЗКУЛЬТУРА И СПОРТ", 2000.
3. Е. В. Зайка. *Методика исследования индивидуальности-типичности эмоционального отклика*. Харьков : Вопросы психологии, 1993.
4. К. Изард. Эмоции человека. Эмоции человека. Санктпетербург: "Санктпетербург", 2001.
5. В. Л. Марищук. Методики психодиагностики в спорте. *Методики психодиагностики в спорте*. Москва : "Происвещение", 1990, Т. учебное пособие.
6. А. Ц. Пуни. Проблема личности в психологии спорта. *Проблема личности в психологии спорта*. Москва : Просвещение, 1980.
7. И. П. Павлов. Психология и высшая нервная система человека. *Психология и высшая нервная система человека*. Москва : Педагогика, 1980, сингари илмий ишларида ўз аксини топган. Бу борада олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, мусобақаларга тайёргарлик даврида ва мусобақалар даврида спортчиларнинг руҳий тайёrlашда уларнинг ҳар актер типларива эмоцияларининг даражаларига эътибор берилиши керак Шунингдек таникли канадаликспорт психологи С. Брент Рашелл спортчилар ва мураббийлар учун маълум шароитларда олиб борилганмашғулотлар даврида шахсий стресс-реакцияларини тезкор ташхис шкаласини таклиф қилди. Бу шкала ёрдамида спортчиларнинг турли руҳий ва жисмоний зўриқишларга мослашувчанлик динамикасини аниқлаш мумкин.

Юқорида баён этилганлар асосида эмоционал стресснинг спортчиларни натижаларига психологик таъсири механизмини мавжуд илмий адабиётлар вайлмий натижалар асосида ўрганиш.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Инсон организмида кечадиган эмоционал стресс таъсиридаги бу ўзгаришларни ўрганиш спортчиларни стрессор факторларга чидамлилигини оширишда хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шу босдан ҳам тадқиқод мақсади бўлиб стресс реакцияларни илмий адабиётларда ўрганилганлигини тахлил қилиш ва шахсий кузатувларнинг натижасида стрессларга бардошлилик даражаларини аниқлаш борасидаги формула асосида футболчиларни эмоционал реакциялари ва унинг натижалариҳамда эмоциоген вазиятларда ижоий ва салбий ҳаракатларнинг факторлари шунингдек, стрессларга



адаптацияқонуниятлари футболнинг характер қайтарадиган жавобларини сифатли аналитик мумкинлигини аниқлашдан иборат.

типларини стресссвязиятларда баҳоловчи восита бўлиши

### Тадқиқоднинг вазифалари:

1. Тадқиқод олиб борилаётган футболчиларнинг темпераментлари олий нерв фаолияти типларини И.П.Павловнинг классификацияси асосида, сўровнома ўтказиш йўли билан аниқлаш. (Темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тести.).
2. Футболчиларни сўровномалар ва фаолиятларни кузатиша расосидаги психологик тайёргарлик даражаларини аниқлашдан иборат.
3. Мазкур формула асосидан кузатилувчининг эмоционал вазиятларга реакцияларини сифатини аниқлашнинг методикаларини кузатишадан иборат.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Илмий адабиётларда акс эттирилган тадқиқотларида Г.Д.Бабушкин (Психология физической культуры) спортчиларни организмижисмоний машқларга қўтишибилан мослашиборса, мусобақаларга тайёргарлик ва мусобақалар давридаги эмоционал вазиятларга ёш спортчиларда ҳам, тажрибали спортчиларда ҳам тўла мосланиш кузатилмайди.

Эмоционал кечинмалар ва ҳис-ҳаяжонлар, инсон ҳаётидаги эҳтиёжларни қондириш ва эмоцияни (ҳаяжонлар)ни бошдан кечириш жараёнини маълум бир қисмини ташкил этади. Маълумки инсон ҳис-ҳаяжонларни бошдан кечириши оқибатида муносабатларнинг жобий ёқисалбий бўлиши гавафоилият вазифаларини түғри ёки аксини бажаришига сабаб бўлади.[4]

**Ҳиссиётлар** (ҳаяжонлар) футболчилар фаолиятида шароитни ва ҳодисани тўғри ёки нотўғри баҳолаши, мотив (ҳаяжон сабаби)нинг фаоллиги ёки сустлиги (пассивлиги), унинг бошланиш сабабларига боғлиқдир. Бу эса шу сабаблар натижасини, инсоннинг ҳис-ҳаяжонини бошдан кечириши оқибатида муносабатларнинг жобий ёқисалбий бўлиши гавафоилият вазифаларини түғри ёки аксини бажаришига сабаб бўлади.

Эмоция-оқибатида инсон воқеликни ўйлаб кўриш ёки бошдан кечиришнинг мураккаблик даражасини қабулқилиш ва ўтказалишихат тохиали бўлиб ўтмаган воқеликни кўз олдига келтириб кўриш оқибатида яна ҳам олдига қўйилган вазифани бажарилишини мураккаблаштириши мумкин.

**Ҳиссиётлар** – баъзибир обьектларда ғояларнинг ривожланиши ёки уни кўз олдига келтириб ҳис қилиб кўриш орқали ҳар ктерланади. Ёхудунинг бошқача хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, ҳис-ҳаяжоннинг ривожланиш жараёнида инсон олий нерв фаолиятида ҳисларини бошланиш ва тамомланишини ҳам бошқаради, унинг ишончларини ёки идеалларини тўла тан олишига ва акси улардан воз кечишига ҳам олиб келади. Инсон ички кечинмалари тархий ҳар актерга ҳам эгадир.

**В.Л.Маришук** эса (Методики психодиагностики в спорте) инсоннинг (спортчи, футболчи) ҳаётий ички кечинмалари унинг ривожланиши ва ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган жараёнлардан биридир. У ўзининг инсон бўлиб шакилланиши ва ривожланиши даврида муҳим факторлардан бири бўлиб боради ва айниқса мотивацион даврийлик хусусиятларини келтириб чиқаради. Ижобий эмоционал кечинмалар ва ҳис-туйғулар оғушида ҳаёт кечириш мобайнида унда ишлашга, ижод қилишга, ҳаракатлар мажмуаларини бажаришга бўлган қизиқишилар



ҳаётий эҳтиёжларни қондириш базасига айланиб боради. Бу жараёнда ҳиссиётлар стрессларга бардошлилик инстинкти ижобий ва инсон атрофидаги инсонлар билан муносабатлари ва қизиқишлари ижобий мотивацияни келтириб чиқарашини ўз тадқиқотларида исботлаб берган.[3]

**А.Ц.Пуни** (*Проблема личности в психологии спорта*) бу эффектив эмас аффектив эмоционал ҳиссиётлар булиб таъсир кўрсатсачи? деган ғояни олға сурган;

**Аффектлар** (акс таъсир) -бу инсон хулқ-авторининг ўзгаришлари унинг ҳиссиётлари ва эмоционал кечинмаларининг салбий алохидат кўринишдаги ҳолатларини ифодалайди. Аффект фаолиятнинг натижалари билан хисоблашмайдиган жараёндир. Бу реакция фаолият жараёнининг аввалида қилиб кўйилгансалбий ҳар катларданкелиб чиқадиган салбий оқибатларни яна ҳам ёмонлашишига олиб келишига сабаб бўлувчихатти-ҳаракатлар инсоннинг салбий эҳтиёжларини қондирилишига олиб келади.

Аффектлар-ҳодиса ва воқеиликларда узини хотиржам тутиб ёвузликни бажара олишни ривожлантирувчи стимулдир.

Аффектларнинг ривожланиши қондирилишига олиб келиши:

- қанчалик хулқ-автор стимулининг дастлабки мотивациясини кучли бўлиши ва бу мақсадга эришишдаги сарфланган каттакучларкичик натижага олиб келиш ортидан яна ҳам аффектни кучлироқ келиб чиқиши ва ривожланишига олиб келади.
- ҳис-туйғулар ва ижобий эмоционал кечинмалардан кўра аффектлар кучли қатъий кўринишдаги органик ўзгаришлар ва ҳаракатлар реакциялари билан ривожланиб ўтади. Шунингдек аффектлар охир-оқибатда ўзидан ўчмас излар ваузоқ муддатли хотиралар қолдиради.

Эмоционал зўриқишилар оқибати эсади прессияни, чарчашлар, эзилишларни ўзидан из қилиб қолдиради ва ишга, фаолиятга бўлган муносабатларни ўзгартириб юборади.

Аффект ҳодисаларни тўхтамаслиги ёки бу вазиятдан инсон чиқа олмаслиги эса унинг ҳодиса ва вазиятларни тўғри баҳолай олмайдиган уларга тўғри муносабат билдира олмайдиган, ўзининг хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва уларга жавоб бера олмайдиган стрессга бардошлилик даражаси суст субъектга айланиб боради деб илмий мақола ва қўлланмаларида келтирган.[1]

**Б.А.Вяткин** (*Роль темперамента в спортивной деятельности*) эмоционал стрессларнинг физиологик механизmlари оқибатида организм ўзига хавф тўғдираётган ҳаракатларга муносабати, сустлаша бошлайди. Бундай реакциялар “курашиш” ёки “енгилиш” даражасидаги ақлий муносабатларни автоном асаб системасида автоматлашувига олиб келади. Агар у бу реакцияларга ижобий “курашиш” муносабатини билдирса стресслардан ўтиб бўлса ҳам интилиш муносабатини кўрсатади. Ёхуд акс реакция “енгилиш”га муносабати ижобий бўлса у ишфаолиятидан сустлашабориши, охир-оқибат ўзиникераксиз, иложсиз, фаолиятни хатто тўхтатишга ҳам олиб бориши мумкин деб фикр юритади.

Стресс асаб тизимиning эмоционал психологик кечинмаларнинг узоқ давом этишива кучли зуриқиши натижасида келиб чиқувчи вазиятдир.

Стресс футболчи фаолиятини чекловчи унинг хулқ-авторини меъёрида тўғри



бошқаришига йўл қўймайдиган ҳодиса.

Стресслар агар узоқ вақтдавом этса у нафақат футболчининг психологик ҳолатига балки унинг саломатлиги ва жисмоний фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Улар юрак қон-томир тизимини ва ошқозон-ичак органлари ва бош мия фаолиятини барқарор ишлашига зарап келтиради.

Эмоционал стресслар хавф туғилганда ёкикўнгилсиз воқеалардан хафабўлиш оқибатларида инсоннинг узоқ вақт ўзи билан ёлғиз қолишидир.

Психологик стресслар ўз навбатида ўзига хос турларга бўлинади. Стресслар ижобий ёки салбийинформацион (ахборот берувчи) ва эмоционал (ҳис-ҳаяжон) түғдирувчи турларга бўлинади[2]

**Е.В.Зайка** (*Методика исследования индивидуальности-типичности эмоционального отклика*). китобида ижобий эмоция ўз-ўзидан майдонда ҳаракатланиш завқини, маваффақиятли натижалар, хаттоқи жарохатларга ҳам эътибор бермай ҳар катланишни таъминлайди. Жарохат стресси бир муддат футболчи онгиди мужассам бўлса ҳам, у буни кичик бир сабаб сифатида қабул қиласи ва ҳаракатланишда давом этади деб ҳисоблайди.

Салбий психологик стресслар оқибатида, футболчи ўзига юклатилган вазифалар, футболмайдонидаги амплуасининг талабларни ўз вақтида бажаришга улгурмаса ўз вақтида керакли қарорларгакела олмаса шунингдек информацион зўриқиши яъни нимани қандай бажаришини ҳар вақт уқтириш оқибатида информацион стресс вужудга келиши мумкин. Бу турдаги стрессга учраши эса, дикқатни пасайиши, вазифаларни ўз вақтида бажаришга улгурмаслик, дикқатни жамлай олмаслик, ҳардамхаёллик, ҳатоларгакўплабийўл қўйиш, воқеиликни тўғри баҳолай олмасликни келтириб чиқаради деган хulosага келган.

#### **И.П.Павлов**(*Психология высшей нервной системы человека*)

Футболчиларда эмоционал стресслар эса спортчининг шахсий ҳар-актер темпераментлари олий нерв фаолияти типлари бўйича академик И.П.Павловнинг классификациясиасосида(бефарқлик, ўтасокинлик, ёки жizzакилик, қўполлик, бошқаларни акси бўлган менсимаслик ва юлдузлик кассалиги) ва бу сифатлардаги нуксонлар уларнинг ҳар ктерлари Сангвиник, Холерик, Флегматик, Меланхолик типларига мансублиги натижасида эмоционал юклар, депрециялар ва эмоционал нохушликлар, рақиб билан муносабатлар давужудга келадиган стрессларга бўлиниши кузатиб кўрилмоқда. Буни эса темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тести 57 та психологик саволлардан иборат саволномаасосида футболчилардан, уларнинг ота-оналаридан ва мураббийлардан сўровнома ўtkазиш йўли билан аниқлаш ва футболчиларни темперамент типларига ажратиб олиш кўзда тутилган.

Шунингдек футболчиларнинг фаолиятлари жарёнларида эмоцияларга берилишлари ёки берилилмасдан ҳаракат олиб боришлари кузатувлар асосида хulosалар чиқариш вазифалари амалга оширилмоқда.

Эътиборингиз гахавола этилаётган формула эсаспорчиларни эмоционал ҳолатини аниқлашнинг методларидан бири деб ҳисоблаймиз



Буерда ;

р-мусобақаларсони

Н-иштирокчилар сони

п-стрессвязиятларниңайтарилишсона

Албаттакүздатутилаётганметодфутболчинингэмоционалхолатини аниқлашда күп босқичли тадқиқот натижасида келиб чиқиши амалда аниқланмоқда.

**Хулосалар.** Юқоридаги илмий адабиётларда тавсиф берилганидек, футболчиларнинг кечинмалари ва ҳис-ҳаяжонлари шунингдек эмоционал стресснинг турларига оид фикрлар юзасидан олиб борилган илмий ишлар, футболчиларни психологик тайёrlаш ва уларнинг ўйинлар ва мусобақалар даврида ҳаракатларини моделлаштириш, футболчилар билан мулоқотларда стресслар ва уларни таъсири остида ҳаракатларни бошқаришга ўргатишини психологик кўрсатмалар курсларини ўтказишини, футболчиларнинг ҳарактер типларини аниқлаган холда улар билан индивдуал психологик тайёргалик ишларини олиб боришни, стресслар даражалари ва уларни енгиб ўтиш бўйича илмий мақолалар ва ўқув адабиётларинияратиш зарурлигини, соҳа олимлари ва мутахассислари тамонидан кенг оммага мутахассислик бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланмалар тақдим этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

#### References:

1. G.D.Babushkin. Psixologiya fizicheskoy kulturi. Moskva : "Sport", 2016. Vol. Uchebnik.
2. B.A.Vyatkin. Rol temperamenta v sportivnoy deyatelnosti . Moskva : "Fizkultura i SPORT", 2000.
3. E.V.Zayka. Metodika issledovaniya individualnosti-tipichnosti emotsionalnogo otklika. Har'kov : Voprosi psixologii, 1993.
4. K.Izard. Emotsii cheloveka. Emotsii cheloveka. Sanktpeterburg : "Sanktpeterburg", 2001.
5. V.L.Marishuk. Metodiki psixodiagnostiki v sporre. Metodiki psixodiagnostiki v sporre. Moskva : "Proisveshshenie", 1990, Vol. uchebnoe posobie.
6. A.S.Puni. Problema lichnosti v psixologii sporta. Problema lichnosti v psixologii sporta. Moskva : Prosveshenie, 19880.
7. I.P.Pavlov. Psixologiya i vissaya nervnaya sistema cheloveka. Psixologiya i vissaya nervnaya sistema cheloveka. Moskva : Pedagogika, 1980, pp. 125-150.